

РОЛНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Эрназар Ярбеков
ЎзДСМИ

Аннотация: Театр актёрининг шахс сифатида камолга етиши, кечинма санъатига эришиш ижодкордан актёрлик маҳорати ва сахна нутқи таълимини бир бирдан ажратмаган ҳолда, уйғунликда ўрганишни талаб этади. Бу жараёнда албатта узтозлардан қолган мерос, уларнинг тажрибасига таяниб иш кўрган афзал. Ана шунда маҳорат мактаби талабадаги табиат ато этган қобилиятни янада ривожлантиради, унга сайқал беради. Мавзу ижрочилик маҳоратини эгаллашда рол устида ишлашнинг аҳамияти ҳақида.

Калит сўзлар: сўз хатти-ҳаракати, театр, актёр, режиссёр, кечинма, санъат, роль, ижро, томошабин, актёрлик маҳорати, ижодкор, хатти-ҳаракат

THE SUPER TASK OF THE ROLE

Ernazar Yarbekov
Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: In order to obtain the art of experience it demands confluence of and harmony actor's mastery and speech of stage. It has preference to be based on heritage of great masters in this process. (Proficiency school) Professional school can help to develop student's capability. Student can get important education. Improve his experience. Representatives of theatre left great heritage of movement on the stage. This article is about obtaining of capability of performance and importance of working on speech.

Keywords: theater, actor, director, hero, excitement, imitation, art, role, spectator, conception, acting skills, executive, image, action

Бизга яхши маълумки, инсон ҳеч қачон мақсадсиз хатти - ҳаракат қилмайди. Ҳамиша бирор мақсадга эришиш истаги уни маълум бир хатти - ҳаракатларни, уринишларни амалга оширишига сабаб бўлади. Афсуски, ҳаётда мақсадлар инсоннинг фъел - атворига қараб турлича хислат касб этади. Бу хислатларни биз шартли равишда ижобий ва салбий хислатли мақсадларга бўлишимиз мумкин. Яна бир томони борки, биз учун салбий хислатли бўлган мақсад ана шу мақсад сари интилаётган кишида ижобийлик ҳиссини туғдириши табиий ҳол. Чунки бундай кишилар ўзларининг интилишларини тўғри деб баҳолашади. Уларнинг ички дунёси, қарашлари шундай мақсадларни ўзига

сингдира олади. Бундай салбий хислатли мақсадлар қаторига ўз фойдасига бировни алдаш, бировнинг кулфатидан фойдаланиб ўз мавқеини мустақкамлаш, худбинлик билан бўлса ҳам бойлик орттириш, сотқинлик қилиб бўлса ҳам ўз жонини сақлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Булар ўз - ўзидан ижобий хислатли мақсадлар билан тўқнашади. Саҳнада ана шу икки мақсаднинг тўқнашуви туфайли содир бўлган воқеалар аск этиши керак. Яъни роль ва ролларнинг мақсадлари айрича эканлиги ёки муштараклиги персонажларни ҳаракатга келтиради. Михаил Чеховнинг шогирди Ленард Петит мақсадга эришиш йўлидаги курашни қуйидагича тасвирлайди: “Табиат қўйнидаги ҳайвонот олами мақсадга эришиш йўлида ўзига бўлган ишончи (собитқадамлиги) учун ҳам гўзалдир. Капалак гулга интилади, йўлбарс ўз ўлжасини таъқиб этади. Бу жараёнлар томошабин учун қизиқарли. Гўзалликни ҳис қилиш бирмунча тутқич бермас жараён. Биз гўзал кўринишга уриниш билан уни тополмаймиз. Чунки бу тескари натижа беради. Аммо биз унинг атрофида ўйнаш орқали гўзалликни бирмунча табиий ҳолатда топа оламиз. Ва шу билан бирга табиий енгиллик ва шаклнинг бошқа шартларини ҳам. Хунук ишларни қилиш ҳам қўлимиздан келади, аммо бу онгли тарздаги ишимиз бўлиши лозим. Агар биз ўз ишимизга гўзаллик ҳисси билан ёндашсак, онгсизларча хунук ишларни бажармаймиз. Аксинча, мутлақо тескари жараён содир бўлади, яъни у мақсадга йўналтирилган, яхшиликка ундовчи ва ижобийлик хислатларини кашф этади”.¹

Нима учун ижобий ва салбий хислатларга кенгроқ тўхталяпмиз? Чунки юқорида, саҳнада ана шу икки мақсаднинг тўқнашуви туфайли содир бўлган воқеалар аск этиши керак, деган фикрни келтирдик. Ижобий хислатли мақсад билан ҳаракат қилаётган персонажни ўйнаётган актёрни тўғри тушунамиз. Лекин салбий роль ижрочиси нима қилиши керак? Мисол учун, “Тўда” мусиқали драмасидаги Сухроб роли ижрочисининг позицияси қандай бўлиши лозим? Салбий мақсадли Сухроб ролининг ижрочиси, Ленард Петит айтганидек, хунук ишларни *онгли* тарзда амалга ошириши лозим. Агар у ўз ишига гўзаллик ҳисси билан, санъат нуқтаи - назаридан ёндашса, хунук ишларни онгсизларча бажармайди. Актёрнинг ички оламидан, эҳтиросларидан фуқаролик, инсонийлик позицияси уфуриб туради. Томошабин унинг персонажини ёмон кўриб қолса - да, актёр ижросига офаринлар айтади. Чунки актёр билан мутлақо тескари жараён содир бўлади, яъни у мақсадга йўналтирилган, яхшиликка ундовчи ижобийлик хислатларини кашф этади.

Ролнинг олий мақсади тушунчасини талабаларга сингдириш учун Насрулло Қобилнинг “Тўда” мусиқали драмасидан олинган парчадаги икки

¹ Ленард Петит. “Михаил Чехов. Актёр учун маълумотномалар”.
Роутледге.2010. 22-бет.

асосий, лекин бир - бирига қарама - қарши бўлган персонажлар - Самандар ва Сухроб ролларининг мақсадларини ойдинлаштиришга уриниб кўрайлик. Албатта бу сахнада икки киши - Самандар ва Сухробдан ташқари яна бир неча персонаж иштирок этади. Агар биринчи курсдаги этюдлар устида ишлаш жараёнида кўриққа бир кишилик, икки кишилик ва гуруҳли этюдлардан намуналар киритилишини инобатга олсак, иккинчи курсда насрий асарлар ва пьесалардан олинган парчаларда ҳам икки, уч кишилик ва гуруҳли ишлардан намуналар назорат кўриги дастуридан ўрин олиши керак. Шу жиҳатдан ушбу асарнинг биринчи кўринишидан парча олиниб ишланиши (*сахнавий кўринишда саккиз нафар персонаж иштирок этади*) гуруҳли парчаларга намуна бўла олади. Бундан ташқари, биринчидан, персонажлар ёши ва воқеа кечаётган давр талабаларга мос. Иккинчидан, ушбу парчада қўлланиладиган мусиқий номерлар (*хор ва куплетлар*) кўпчилик бўлиб ижро этилади. Бу жиҳат иккинчи курс талабаларига мусиқий парчалар устида ишлаш кўникмасини шакллантиришларида жуда қўл келади. Кўпчилик бўлиб хор ва куплетларни куйлаш ва ҳатти - ҳаракатни амалга ошириш қийин ва шу билан бирга бирмунча осонроқ. Қийинчилиги шундаки, ҳар бир талаба мусиқий ҳатти - ҳаракатни амалга оширар экан, ўзининг овоз ўрнини (*биринчи овоз, иккинчи овоз, учинчи овоз - бас, баритон, тенор*) мунтазам ушлай олиши керак. Осонлиги эса мусиқий номерда ҳатти - ҳаракат қилаётган талабалар ўзларини ёлғиз сезишмайди ва нисбатан эркинроқ бўлишади.

Хуллас, асар билан танишиб чиқилгач, биринчи кўринишдан парча олишга қарор қилинди. Ушбу сахна сюжети воқеалар кетма - кетлиги бўйича шакллантириб олинади. Бу кетма - кетлик қуйидаги тасвирлашни намоён қилади: шаҳар четидаги ташландиқ ҳолга келиб қолган мачит. Сахнада тўрт нафар банги йигит ва улар сафига қўшилиб қолган наркоман қиз. Уларда кечаги қабул қилинган гиёҳвандлик дорисининг таъсир кучи йўқолган ва “ломка” жараёни бошланган. Баданларидаги оғриқ хуружи кучайганидан турли космополитик ҳолатларни бошидан кечирмоқда: кимдир дир - титраб оғриқ азобини енгишга уринмоқда, кимдир васвасага тушиб дод солмоқда, кимдир инсон зотини сўкиш билан дардини енгиллаштиришга тиришяпти, Зули исмли наркоман қиз ҳам оғриқни енгиш ҳаракатида, аммо қолган йигитлар “унда бўлади”, деган фикрда Зулдан озгина дори ундириш илинжида. Самандар исмли йигит ташқаридан секин кириб келади. Унда ҳам “ломка” бошланган, лекин у оғриқни енгишга ҳаракат қилаяпти. Мақсад - хуруждан ҳеч қандай дорисиз чиқиб олиш. Чунки Камола исмли қиз билан танишиб қолгач, ўзининг яшаш тарзига муносабати бутунлай ўзгарган, бу йўлдан қайтишга, қолганларни ҳам ўз ортидан эргаштиришга аҳд қилган. Унинг учун ҳаёт янгича мазмун касб этган. Унинг мақсади - гиёҳвандликни ташлаш ва тўдадан кетиш. Олий мақсади

- инсонга ўхшаб яшаш ва Камола билан бахтли бўлиш. Лекин Самандар инсонга ўхшаб яшаши учун, аввало, гиёҳвандликни ташлаши ва тўдадан кетиши керак. Бунинг учун эса навбатдаги дорини истеъмол қилмаслиги лозим. Юқорида айтганимиздек, мақсад - хуруждан ҳеч қандай дорисиз чиқиб олиш. Бундан кўринадики, парчанинг биринчи воқеавий бўлагида Самандарнинг мақсад - вазифаси ҳар қандай вазиятда ҳам дорини рад этишга ўзида куч топиш. Шунинг учун олса олий мақсад йўлидаги биринчи қадамни ташлаган бўлади. Парча сюжети бўйича Самандар бу ишни ундайди: Асад исмли югурдак дори олиб келгач, Сухроб - тўдабоши, “хўжайин” дорини ҳаммага тарқатишни буюради. Ҳамма ўзини дорига уради. Ёлғиз Самандар дорини истеъмол қилмайди. Буни кўрган Сухроб йигитларга Самандарни ушлаб туришни буюради ва ўзи унга наркотик дорини шприц орқали юбормоқчи бўлади. “Ломка” хуружининг зўридан салкам алаҳсираётган Самандар кутилмаганда ўзига келади ва кўлини тортиб олиб, дорини қатъий рад этади. Бу персонажнинг олий мақсад йўлидаги биринчи мақсад - вазифасидир. Буни персонажнинг катта мақсад йўлидаги уриниши, ҳатти - ҳаракати десак ҳам бўлади. Худди шу жойдан шарт - шароит ўзгарди. Янги воқеа бошланди. Самандарда энди ўз сўзида қатъий туриш ва охиригача курашиш истаги, мақсади куч олди. У ўзининг иродасига ишона бошлади. Сухробда эса янги мақсад туғилди: ўз “тўда”сини инқироздан сақлаб қолиш. Чунки унга дарз кетди. Бунинг учун қандай қилиб бўлса ҳам Самандарни фикрдан қайтариш ва уни “тўда”да олиб қолиш керак. Сухроб ўз мақсадига эришиш учун турли йўллари қўллаб кўради, атрофидаги гиёҳвандларнинг кулфатлари тарихидан усталик билан фойдаланмоқчи бўлади. Самандар эса ўз сўзида қатъий туриб олади. Икки персонаж мақсадлари бир - бири билан тўқнаш келади, томонлар ўртасида ўз мақсадига эришиш йўлидаги кураш аёвсиз тус олади. Охир - оқибат Сухроб Самандарнинг фикрини ўзгартира олмайди ва янги чора ўйлаб топиш ниятида унга ўйлаб кўриш учун яна бироз фурсат беришни айтиб, чиқиб кетади. Кўриб турганимиздек, парчанинг сюжети ҳикоя қилиш асносида биз Самандар ва Сухроб ролларининг мақсадлари ва олий мақсадларини ҳам ойдинлаштириб олдик. Олий мақсадга интилиш яхлит, узлуксиз, бутун парча мазмуни бўйича ўтиб бориши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2017.
2. Вазирлар Маҳкамасининг Республика “Ёш сухандонлар” танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори. 2017 йил 1-февраль.

3. Сайфуллаев Б. Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. Т.: Фан ва технология. Т.: 2012.
4. Абдуллаева М. Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати. Тафаккур қаноти нашриёти. Т.: 2014.
5. Джоржо Стрелер. Театр для людей. Радуга. Москва. 1984 й.
6. Кацман А.И. Психология творчества. Сборник докладов. ЛГИТМиК. 1989.
7. Lenard Petit. The Micael Chekhov Handbook-For the Actor, Routledge, 2010.
8. Захава Б.Е. Мастерство актёра и режиссёра. М., Просвещение. 1978.
9. Jean Benedetti , Konstantin Sianislavsky. An actor's work : a student's diary. London ; New York : Routledge, 2008.
10. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил. Ўзбекистон давлат консерваторияси.2005й.